## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 383-ҳадис

383/642 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ الله عَنْهُ قَالَ: أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ، وَالنَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم يُنَاجِي رَجُلًا فِي جَانِبِ الْمَسْجِدِ، فَمَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ حَتَّى نَامَ الْقَوْمُ.

383.642 Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиднинг бир тарафида бир киши билан махфий сўзлашиб ўтирган эдилар, намозга иқома айтилди. Бироқ у зот намозга туравермай, ҳатто қавмни мудроқ босди».

**Изоҳ:** Бу ҳолат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари эмас эди. Фақат бир мартагина шундай бўлган. Шу билан бирга, у инсон шаклидаги фаришта бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун фақиҳлар иқома билан намоз орасидаги муддат чўзилиб кетса, иқомани қайтаришни ихтиёр қилишган».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI